

رُفُظِ مَلَقِ آلَوِ، قِاشُنْ نَتْسِ أَوِ
لُغْجِي وَ رُغْشِ حِي رُسَاتِ آلَوِ
هَتِي حِلَوِ هِسْ أَرِ يَلَعِ طُونْ خُلا
هِي جِ اسَمِ يَلَعِ رُوفِ الكُلِ أَوِ

رَا زِي أَهْلِ نَفَكْ لِي أَهْنُ سَوِ

أَهْ أَفِلَوِ صِي مَقَوِ

دَا ذُرِي وَ أَمْعَلِ نَسْخُتْ سِ أَوِ

أَوِبْ طَبْرْتْ، أَهْ قَرِخْ وَ رَامْخِ أَهْلِ

أَهْلِ هَتِي أَفِكْ وَ أَهْيِي دَتْ قَوَفِ

أَهْلِ دَا زِي وَ أَهْ أَفِلَوِ رَا زِي

فِي خِ نِي دَقْ عِي وَ رَامْخِ لِي

أَهْ رَا شْتِ نِي

يَهَوِيَّ أَفِيكَ ضَرْفٌ هُتَ آلَ صَو
مُتْ ، يَنْتِي وَ هَلْ لَ رَبِّكَ يَنْ أ
يَبْنَ لَ اِ لَعِ يَلْ صِي وَ رَبِّكَ ي
مُتْ ، وَعَدِي وَ رَبِّكَ يَمْ ث ،
عَفْرِي آلَ وَ مَلْ سِي وَ رَبِّكَ ي
رَبِّكَ تَلَا ي فِ آلِ دِي لَ ا
ءَازِحْ بُمِ اَمِ اِلْ اُ مَوْقِي وَ لِّ وَا لَ ا
يَزْ دُصْ لَ a

نَاطِلْ سَلَا اَمِ اِلْ اِبْ قَحْ اَلْ اَو
يَخْلَا اَمِ اَمِ اَمْ ث ، يَضْ اَقْلَا اَمْ ث
ي فِ اَمْ ك ، يَلْ وُلَا اَمْ ث
اَوْبُ نْ ذِي لَ اُ حْ صِي وَ تَ اَبْ صَعْ لَ a
دِي عِي مْ هُزِي غِ يَلْ صُ نِ اِفْ

يَلْصُيْ أَلَو ، ءَءَاشْ نِإِ يَلْوَلَا
هُدَّعَبْ هُزِيغْ

نَفْدَفْ هَيْلَعْ لَصُيْ مَلْ نَمَو
هُخْسَفَاتْ نَظِيْ مَلْ أَمَ يَلْصُ
يَفُتْ هِرْكَو . أَبِكْ أَرْجَاتْ مَلَو
تِيْ مَلْ أَعْضُ وُ وُلَو ، دِجْ سَم
خِيْ أَشْ مَلْ أَفَلَتْ خَا هَجْرَاخْ

ةَزَانْ جَلْ أَلْمَحْ يَفْ نُسَو
أَهْمْ دَقُومْ عَضَاتْ نَأَو ، ءَعَبْرَأْ
يَلَعْ أَهْخُومْ مُثْ ، نَمِيْ أَلَا
يَلَعْ أَدَكْ مُثْ ، كِنِيْ مِيْ
أَلْبْ أَوْبْ نَوُوعْ رُسُيْ و . كِرَاسِيْ
بَحْ أَاهْ فُلَخْ يَشْ مَلْ أَوْبْ بَخْ

أَهْغَضَ وَ لَبَقُ سُولُ جَلَا هِرْكَ وَ
هَيْفُ لَخْدِي وَ رَبِّ قُلَا دَخْلِي وَ
لُوقِي وَ ، ةَلْبِقُلَا يَلِي أُمِّم
يَلَعَوِ هَلَلَا مَسَابُ : هُغَضَا وَ
يَلَا هُجْوِي وَ ، هَلَلَا لُوسَرِ ةَلْم
ةَدُقُغَلَا لَخْتِ وَ ، ةَلْبِقُلَا
بَصَقُلَا وَ نَبَلَلَا يَّوَسُّي وَ
هُرْبَقُ أَلْ أُهُرْبَقُ يَّجَسُّي وَ
لَاهِي وَ ، بَشَخَلَا وَ رُجَالَا هِرْكَ وَ
رُبَقُلَا مِّنْ سِي وَ بَارْتَلَا

Муҳтазарни ўнг ёнбоши ила қиблага юзлантириш суннатдир.
Чалқанча ётқизиш ихтиёр қилинган. Шаҳодат талқин қилинади.
Ўлганда жағи танғиб боғланади ва кўзлари юмдирилади. Унинг
тахтаси ва кафанига тоқ саноқда хушбўй нарса тутатилади.

Кейин унинг кийимини ечиб, оғзини чайилмай, бурнига сув олинмай,
тирноғи олинмай ва соч-соқоли таралмай, (танаси) ювилади. Бошига
ва соқолига ҳанут ва сажда қиладиган жойларига кафур суртилади.

Эркак учун кафаннинг суннати изор, кўйлак ва лифофадир. Салла ҳам бўлса, яхши. Унинг кифоя кафани изор ва лифофадир.

Аёлга химор - рўмол ва икки кўкраги устидан боғланадиган латта зиёда қилинади. Кафаннинг ёйилиб кетиши хавфи бўлса, уни боғланади.

Ўликка жаноза намози ўқиш фарзи кифоядир. Жаноза намози такбир айтиб, сано ўқиш, яна такбир айтиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш, яна такбир айтиб, дуо ўқиш, сўнгра такбир айтиб, салом беришдан иборатдир.

Биринчи такбирдан бошқада қўлни кўтармайди. Имом маййитнинг кўкрак баробарида туради.

Имомликка энг ҳақли киши султондир. Сўнгра қози, кейин маҳалланинг имоми, сўнгра асабалардаги каби, валий. Изн бериш дурустдир. Агар жанозани улардан бошқа ўқиган бўлса, хоҳласа, валий намозни қайтаради. Ундан бошқалар ундан кейин жаноза намозини ўқимади.

Намоз ўқилмай дафн қилинган кимсага титилгани гумон қилинмаса, намоз ўқилади. Уловга минган ҳолда жаноза намози ўқиш жоиз эмас. Масжид ичида (уни ўқиш) макруҳдир. Маййит масжид ташқарисига қўйилса, бу ҳақда машойихлар ихтилоф қилганлар.

Жанозани тўрт киши кўтариши суннатдир. Аввал тобутнинг ўнг тарафининг олдидан, кейин ортидан ўнг елканг ила кўтаришинг, сўнгра худди шундай қилиб чап тарафинг ила кўтаришинг керак.

Жанозани кўтарганда лўкиллатмасдан, тез юрадилар. Унинг ортидан юриш маҳбубдир. Тобутни ерга қўймасдан олдин ўтириш макруҳдир.

Қабрни лаҳад қилиб қазилади. Унинг ичига маййитни қибла томонидан киритилади. Уни қўювчи «Бисмиллаҳи ва алаа миллати Расулиллаҳи», дейди. Уни қиблага юзлантирилади.

Тугуни ечилади. Ғишт ва чўплар терилади. Аёлнинг қабри тўсиб турилади, эркакники эмас. Пишган ғишт ва қуруқ ёғоч (қўйиш) макруҳдир. Тупроқ суриб туширилади. Қабр ўрқачга ўхшатилади.

«Жаноза»нинг луғатдаги маъноси сатр – тўсишдир. Тобутга солинган ўлик «жаноза» дейилади.

Бир мусулмон шахс вафот этса, қолган мусулмонлардан унинг вафотини билганларга тўрт нарсга кифоя тарзида фарз бўлади. Яъни, ўша нарсаларни улардан баъзилари адо қилса, кифоя қилади.

Агар бир кишигина билса, ўша бир кишининг ўзига фарз бўлади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.